Раҳбарлар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди


// 11.06.2026
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/20260611-1

11 июнь куни Бўстонлиқ туманидаги Heaven's Garden конференциялар залида **«Кимё саноати ёш мутахассислари» форуми доирасида раҳбарлар ва ёшлар учрашуви** ташкил этилди.





Учрашувда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчилари Санобар Абдурахманова ҳамда Мухаммадбобур Абдуразаков, Навоиязот АЖ бошқарув раиси Фаррух Самадов, Махам-Чирчиқ АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари — ишлаб чиқариш бўйича директор Рихсибай Узаков, «Аммофос-Махам» АЖ бошқарув раиси ўринбосари Бехзод Гафуров ҳамда тармоқ корхоналаридан ташриф буюрган ёшлар ва талабалар иштирок этди.





Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий ривожланиши, инновацион ғояларини рўёбга чиқариш ва кимё саноатининг истиқболдаги ривожланишида ёш мутахассисларнинг ўрни ҳақида фикр алмашилди.





Учрашувда Тошкент кимё-технология институти талабалари ҳам фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар ҳамда қимматли тавсияларга эга бўлдилар.